

3-14-2019

DEVELOPMENT OF NATIONAL HANDICRAFTS IN UZBEKISTAN

Ulugbek Abdumavlonovich Klichev

Syrdarya regional center for retraining and advanced training of public educators, u-qlichev-80@umail.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

Recommended Citation

Klichev, Ulugbek Abdumavlonovich (2019) "DEVELOPMENT OF NATIONAL HANDICRAFTS IN UZBEKISTAN," *Bulletin of Gulistan State University*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 15.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2020/iss1/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК 9(58):0(584.4)

DEVELOPMENT OF NATIONAL HANDICRAFTS IN UZBEKISTAN

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

РАЗВИТИЕ НАЦИОНАЛЬНОГО РЕМЕСЛИНИЧЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Қличев Улуғбек Абдумавлонович

Сирдарё вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 112-уй.

E-mail: u-qlichev-80@umail.uz

Abstract

The article discusses how the support and development of national handicrafts has reached the level of state policy. The importance of legal acts adopted by the President and the government is being discussed. The article shows the relevance of the topic, its scientific novelty, the measures taken to further develop the national handicrafts sector, as well as the practical aspects of the problems that are still waiting to be addressed.

Fergana Valley has for a long time been one of the major craft centers in the region. In many cities such as Kokand, Margilan, Andijan, Shahrikhon, Chust, areas of national crafts – knitting, weaving, ceramics, blacksmithing, woodworking, embroidery, crochet, goldsmithing, needlework, are only developing. For the first time in the history of Uzbekistan the title of “City of World Crafts” was awarded to Kokand city. The reason for this is that there are about a hundred craftsmen in Kokand and surrounding areas, and the second reason is that Uzbek national culture is part of the world culture. The article details such issues in detail.

Keywords: Handicraftsman, applied art, wood carving, knives, pottery, jewelry, tourism, festival, apprentice.

Аннотация

Мы видим, что народно-прикладное искусство поддерживается, развивается до уровня государственной политики. Ведётся речь о значении правовых и нормативных документов, принятых правительством и руководителем государства Узбекистан. В статье указаны практические решения проблем, которые на сегодняшний день ждут своего решения, также указаны актуальность темы, научное нововведение, прогрессивное развитие сфер национального ремесленничества.

Ферганская долина издавна известна как один из центров регионального и основного ремесленничества. В таких городах, как Коканд, Андижан, Маргилан, Шахрихан, Чуст развивается и по сей день такие сферы ремесленничества, как-изготовление ножей, швейное ремесло, изготовление тюбетейек, гончарное искусство, кузнечное дело, изготовление чапанов, резьба по дереву, изготовление росписей, чеканка по меди, изготовление колыбелей (бешиков), ювелирное искусство, вышивание золотом (златошвейное искусство). Среди городов нашей родины только город Коканду в первый раз дано звание “Город ремесленников мира”. Причиной этого является то, что в городе Коканде и расположенных вблизи города местах расположены около сто мастерских, занимающихся сферой ремесленничества, вторая причина признание узбекской национальной культуры как часть мировой культуры. В статье достаточно широко раскрыты вопросы такого характера.

Ключевые слова: ремесленник, прикладное искусство, резьба по дереву, изготовление ножей, гончарный, ювелирный, туризм, фестиваль, подмастерье.

Ўзбекистонда миллий хунармандчилик соҳасига оид муаммони тадқиқ қилиш, ёшларнинг бандлик даражаси ва уларнинг миллий хунармандчилик соҳаларида самарали меҳнатлари, ички ва ташқи туризмни ривожлантириш йўллари, ўзбек миллий мероси сифатида халқ хунармандчилигининг жаҳонда намоён қилиниши, ундан кўзланган вазифа ва мақсадларни таҳлил этиш, муаммоларнинг асл моҳиятини кўрсатиш, ҳозирги кунда ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда республикамизда миллий хунармандчиликнинг қўллаб-қувватланиши, ривожлантирилиши давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган ҳуқуқий норматив ҳужжатлар миллий хунармандчиликнинг янада ривожланишига замин бўлди.

Мақолада миллий хунармандчилик соҳаларини янада ривожлантириш учун амалга оширилаётган чора-тадбирлар, бугунги кунда ечимини кутаётган муаммоларнинг амалий жиҳатлари ёритилади.

Фарғона водийси қадимдан минтақада асосий хунармандчилик марказларидан бири бўлиб келган. Кўкон, Марғилон, Андижон, Шаҳрихон, Чуст каби кўплаб шаҳарларда миллий хунармандчилик соҳалари – пичоқчилик, тўқувчилик, дўппидўзлик, кулолчилик, темирчилик, чопондўзлик, косибчилик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, кандакорлик, бешикчилик, заргарлик, зардўзлик ривожланиб келмоқда. Ватанимиз шаҳарлари ичида фақат Кўкон шаҳрига Ўзбекистон тарихида биринчи марта “Жаҳон хунармандлари шаҳри” унвони берилди. Бунинг сабаби Кўкон шаҳри ва унинг атрофида жойлашган манзилгоҳларда 100 га яқин хунармандчилик соҳалари билан шуғулланаётган усталарнинг мавжудлиги бўлса, иккинчи сабаби ўзбек миллий маданияти жаҳон маданиятининг бир қисми деб тан олинди. Мақолада шу каби масалалар атрофича очиқ берилган.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Мақолада кўтарилган асосий илмий янгиликлар шуки, хунармандчиликнинг мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ҳаётидаги тутган ўрни ва миллий хунармандчилик соҳаларининг жаҳон маданиятида ўз ўрнига эга эканлигига ҳолисона баҳо беришдан иборат.

Ўзбекистонда миллий хунармандчилик, халқнинг маданий мероси, анъанавий миллий кадриятларни асраб-авайлаш, хунармандларга ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллий маданиятни сақлаб қолиш ва уни ривожлантириш, хунармандчилик соҳасидаги ишлаб чиқаришда анъанавийликни тиклаш табиий жараёнга айланди. Миллий хунармандчиликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида республикада бир қатор жамғармалар ва уюшмалар ташкил этилди. Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий хунармандчилик ривожига Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг моҳияти каттадир. Тадқиқотда кузатиш, таҳлил ва қиёслаш методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

1997 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан имзоланган “Халқ амалий санъати ва хунармандчилигининг келгусидаги ривожини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари тўғрисида”ги [1] Фармони эълон қилинди. Фармонга кўра, уй шароитидаги юксак савиядаги бадий хунармандчилик буюмлар ишлаб чиқараётган халқ усталарига жойлардаги ҳокимликларнинг амалий ёрдами муҳим вазифалардан бири сифатида кўрсатилган. Хунармандларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида улар беш йилгача даромад солиғидан озод қилинди, республикадан четга

чиқариладиган халқ хунармандчилик буюмлари учун бож олиш бекор қилинди. Ушбу қарор хунармандчилик соҳаси тараққиётини юқори поғонага кўтарди.

Шу билан бирга 1997 йил 31 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ бадиий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони [2] муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Миллий маданиятни ривожлантиришда халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатининг аҳамиятини ошириш, қўлда ишланган бадиий буюмлар тайёрлашнинг асрий анъаналарини ва ўзига хос турларини қайта тиклаш ҳамда халқ хунармандларига давлат томонидан ёрдам кўрсатиш имкониятлари ишга солинди. Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти даврида хонадон шароитида бадиий буюмлар ишлаб чиқарувчи халқ хунармандларига уларни маҳаллий хом ашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминлашда, кўргазмалар ва кимошди савдоларини ўтказишда, тайёр маҳсулотларни сотиш бўйича ихтисослаштирилган дўконлар тармоғини ташкил қилишда маънавий ва моддий ёрдам бериш учун амалий ишлар амалга оширилди. Айниқса, ёшларни халқ санъати усталарининг кўникмаларига ўқитиб ўргатиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришда амалий ёрдам кўрсатиш жойлардаги ҳокимликлар, республика вазирликлари ва идораларининг энг муҳим вазибалар қаторига киритилди.

1997 йилнинг 1 апрелидан бошлаб белгиланган тартибда ҳокимликлар ва солиқ идораларида рўйхатдан ўтган хонадон шароитида миллий хунармандчилик ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар 5 йил муддатга даромад солиғи тўлашдан озод қилиниши хунармандчилик соҳаси учун ниҳоятда катта аҳамият касб этди [3].

Миллий хунармандчилик ва амалий санъатнинг энг яхши намояндалари хизматларини ва уларнинг миллий маданиятни янада ривожлантиришга ҳамда истеъдодли шогирдларни тайёрлашга қўшган ҳиссасини рағбатлантириш мақсадида 1998 йил 1 майда “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” фахрий унвони [4] таъсис этилди.

Таъкидлаш жоизки, миллий хунармандчиликка бўлган эътибор жиддий равишда ортиб бормоқда. Бунинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 апрелда “Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги [5] Фармони эълон қилинди.

Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, халқ ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатлами, айниқса, ёшларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсатида янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, уй шароитида халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқариш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 2010 йилнинг 1 апрелгача озод этилиши соҳанинг янада жадал ва самарали ривожланиши учун янги имкониятлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан эътибор туфайли миллий хунармандчилик ривожланишида янги давр бошланди. Бу жараён айниқса, хунармандчилик ва туризмни ривожлантириш борасида олиб борган сиёсатида яққол намоён бўлмоқда.

Халқимизнинг қадимий тарихи ва маданий ҳаётини ҳар томонлама кенг ёритиш, номоддий маданий меросимиз бўлган кўп қиррали ўзбек миллий хунармандчилигини кенг намоиш қилиш, унинг ноёб намуналарини тарғиб этишни назарда тутди. Шунингдек, ушбу йўналишда ўзаро тажриба алмашиш орқали турли халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алоқаларни халқаро миқёсда кучайтириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касбий анъаналар ва хунармандчилик мактабларини сақлаш ва қайта тиклаш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги

“Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони [6] бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Хужжат билан қуйидагилар республикада миллий хунармандчилик, халқ бадий ва амалий санъатини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари етиб белгиланди:

биринчидан, хунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар ва оилалар, айниқса, янгитдан ўз фаолиятини бошлаган хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, «Уста-шогирд» мактаблари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ва шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш;

иккинчидан, хунармандчилик субъектларига давлат рўйхатидан ўтишда қўмаклашиш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, уларни асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хомашё ва материаллар билан узлуксиз таъминлаш, уларга имтиёзли кредитлар бериш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

учинчидан, халқ хунармандчилиги ва ижодий анъаналари кенг ривожланган шаҳар ва туманларда хунармандчиликни ривожлантириш марказлари ташкил этиш, хунармандчиликнинг ноёб турларини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш, истеъмолчиларга хунармандчилик маҳсулотлари етказиб бериш учун бозор инфратузилмасини шакллантириш;

тўртинчидан, хунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантириш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда миллий хунармандчилик маҳсулотларини тақдимот қилишга қўмаклашиш.

2018 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “I – Халқаро хунармандчилик фестивалига тайёргарлик кўриш тўғрисида”ги қарори [7] қабул қилинди. Айтиш мумкин, 2018 йил 1 ноябрда ҳар икки йилда бир марта Қўқон шаҳрида Халқаро хунармандчилик фестивалини ташкил этиш, биринчи марта ушбу фестивални ҳамда фестивал доирасида “Хунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида илмий-амалий конференцияни 2019 йилнинг 10-15 сентябр кунлари ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида 2 мингга яқин хунарманд фаолият кўрсатади. Вилоятда 2018-2019 йилларда хунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган 304 лойиҳа амалга оширилмоқда. Марғилон шаҳрида анъанавий ўтказиб келинаётган “Атлас байрами” халқаро фестивали ҳам миллий хунармандчилик маҳсулотларини жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қўқон шаҳрида анъанавий ўтказиладиган халқаро хунармандчилик фестивали бу йўналишдаги ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилади.

Қўқон шаҳри қадимдан миллий хунармандчилик маскани сифатида ном қозонган бўлиб, хунармандчилик қадриятлари авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Ёғоч ўймакорлиги, пичоқчилик, кандакорлик, темирчилик сингари қадимий хунарларни шогирдлар кунт билан ўрганмоқда. Айни пайтда соҳани ривожлантириш, туризм йўналишларини кўпайтириш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Масалан, шаҳарда хунармандчилик ва туризм мажмуаси қад ростламоқда. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва “Хунарманд” уюшмаси томонидан “Уста-шогирд: Қўқон тажрибаси” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ушбу фестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев нутқ сўзлади. Хунармандлар фестивалида Ўзбекистон давлат раҳбарининг иштирок этиши биринчи марта кузатилди.

Халқаро фестивалда иштирок этиш учун 72 мамлакатдан 111 нуфузли ташкилотлар рўйхатга олинди. Жумладан, 5 қитъадан 200 дан ортиқ хунармандлар 24 йўналиш бўйича иштирок этди. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Қўқон шаҳрига яқинда “Жаҳон

хунармандлари шаҳри” унвони берилди. Жаҳон хунармандлари шаҳри унвони 2014 йилдан буён дунёдаги 30 шаҳар сазовор бўлган холос. Қўқон шаҳри ушбу унвонга лойиқ топилган ўттиз биринчи ва МДХ давлатлари орасидаги биринчи шаҳар бўлди. Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро фестивал ўзининг логотипига эга (1-расм).



1-расм. Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро фестивалнинг логотипи.

Жаҳон хунармандлар кенгаши (WCC) 1964 йилда ташкил этилган бўлиб, халқаро ташкилот жаҳон хунармандчилигини ривожлантириш, хунармандларнинг ўзаро тажриба алмашинувини йўлга қўйиш, хунармандчилик соҳасида фаолият юритадиган ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш мақсадида фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси 2019 йил март ойида Жаҳон хунармандлар кенгашининг аъзоси бўлди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин, миллий хунармандчиликни ривожлантириш давлат сиёсатида янги босқичга кўтарилганини кузатиш мумкин. Хунарманд, усталарни қўллаб-қувватлаш, устоз-шогирд мактаблари фаолиятини такомиллаштириш, хунар таълимини кенг тарғиб қилиш, ички ва ташқи туризм фаолиятини такомиллаштириш, янги иш ўринларини яратиш чора-тадбирлари масаласи амалга оширилмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон санъати. –Тошкент.: Шарқ, 2001. - Б. 10.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. Т.1997. март. №3. - Б.21-22.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси. Т.1997. март. №3. - Б.21-22.
4. “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” фахрий унвонининг таъсис этилиши. Халқ сўзи. 1998 й. 3 май.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2008 йил 1 апрел, “Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Халқ сўзи. 2008 йил 4 апрел.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги “I – Халқаро хунармандчилик фестивалига тайёргарлик кўриш тўғрисида”ги Қарори, www.lex.uz.

References:

1. O'zbekiston san'ati. –Toshkent.: Sharq, 2001. - B. 10.
2. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. Toshkent.: 1997 yil. mart. №3. - B.21-22.
3. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi. Toshkent.: 1997 yil. mart. №3. - B.21-22.
4. “O'zbekiston Respublikasi xalq ustasi” faxriy unvonining ta'asis etilishi. Xalq so'zi. 1998 yil. 3 may.

*** GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI AXBOROTNOMASI ***

*** Gumanitar - ijtimoiy fanlar seriyasi, 2020. № 1 ***

5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 2008 yil 1 aprel, "Xalq badiiy hunarmandchiligi va amaliy san'atini rivojlantirishni rag'batlantirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida". Xalq so'zi. 2008 yil 4 aprel.
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 17 noyabrdagi "Hunarmandchilikni yanada rivojlantirish va hunarmandlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni. www.lex.uz.
7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 1 noyabrdagi "I – Xalqaro hunarmandchilik festivaliga tayyorgarlik ko'rish to'g'risida"gi Qarori, www.lex.uz.